


И. А. МАМАНОВ

ОИАМД
КОТГАН
ЎГИЛАР



ISBN 978-9943-01-337-7



“O‘ZBEKISTON”

9 789943 013377

9.

84(59)6
M 2.3

ИСМАТУЛЛА МАМАНОВ

**ОТАМДАН
ҚОЛГАН ҰТИГЛАР**

8h8hK 0h8hK

«O'ZBEKISTON»
TOSHKENT
2009

74840

84 (5Ў)6
М 23

Масъул муҳаррир: ТҮЛҚИН ҲАЙИТ

Шарқ адабиётида паңа-насихат йўналишида ёзилган асарлар кўп. Улардаги шакл хилма-хил, мазмун ранг-баранг.

Бироқ, Исмагулла Мамановнинг «Отамдан қолган ўтиглар»да ҳаётнинг кўлаб балаңа-пастини кўрган мўйсифид отанинг ўлига бевосита мурожаати шаклида битилган ҳикматомуз фикрлар лўнда ва жози-бали услубда баён қилинган-ки, бу паңалардан ҳар бир фарзанд, айниқса, ёшлар нималардир олсалар ажаб эмас. Ундаги ҳар бир ибора ва қайдлар, умид-вормизки, Сизда қизиқиш уйғотади.

Марҳамат, китобни ўқиб кўринг. Бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

НЕКБИНАЛИК МЕВАЛАРИ

«Отамдан қолган ўтиглар»ни ўқиб, раҳматли Неъмат Аминовнинг «Темирчидаң қолган тиллолар» асарини эсладим; буларнинг бирйда юз ёшларни қоралаган уста Амин бобонинг узок умри давомида кўрган-кечирганлари ихчам-ихчам ибратали ҳикоячалар тарзида нақл қилинса, иккинчисида ҳаётнинг кўп балаңа-пастини кўрган, мушоҳадага мойил, диний ва дунёвий илмлар билимдонни муалла Ҳамида отанинг ўғилга бевосита мурожаати шаклида битилган ҳикматомуз фикрлар билан танишамиз.

Инсон зурриётининг ўзига ўхшашини ис-тагани ҳолда, унинг ўздан-да тўқисроқ бўлиб етишишини, ўздан-да маънилироқ турмуш кечиришини тилайди ва умри мобайнида тупланган ҳаёт тажрибасини, қимматли фикр-мулоҳазаларини фарзандига мерос қолдирмоқ пайида бўлади. «Отамдан қолган ўтиглар» панномаси ана шундай ниятдан, ана шундай эҳтиёждан турилган дейиш мумкин.

Тўғри, битиклар орасида ҳали қиёмга етмаган, бирмунча баҳссталаб ёки жўнроқлари ҳам

ISBN 978-9943-01-337-7

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2009

катлариндан биронтаси ҳам мукофотсиз қолмайди.

— Ўғлим, дунёда маънавияти паст даладан қашшоқроқ давлат, маънавияти паст одамдан ғариброқ одам бўлмайди.

— Ўғлим, яхши ва ёмон одам барча халқларда ҳам бор. Чунки яхшилик ва ёмонликнинг миллати бўлмайди.

— Ўғлим, барча замон ва маконда яхши одамлар билан бирга ёмон одамлар ҳам яшайди.

— Ўғлим, қанчалик машаққатлар чекмагин, азоб-уқубатлар тортмагин, ҳаётдан умидингни узма! «Умид тўрға, умидсизлик гўرға тортади». Шундай экан, ҳамиша умид билан яша. Яратганинг Ўзи умидсизликдан йироқ қилсин!

— Ўғлим, инсон умрининг мазмуни ҳаётининг сўнги лаҳзаларида кечадиган ҳолатига боғлиқдир. Чунки инсон дунёга

нега келиб кетаётганлигини фақат паймонеси тўлган дақиқалардагина тушуниб етади, холос.

— Ўғлим, беқор ўтказган кунингни нафақат ўзинга, балки, Ватанингда, келажак авлодга нисбатан ҳам қилинган хиёнат деб бил!

— Ўғлим, ҳаётда хатога йўл қўймасдан яшашни учувчидан ўрган. Учувчи парвоз пайтида бир маротаба хато қилиши мумкин, холос. Кейингисига улгурмайди.

— Ўғлим, донишманд ҳам саҳву хато қилиши, янглиниши мумкин. Мақсад, хато қилмасликда эмас, муҳими, қилган хатони ўз вақтида илаб, уни тузатиш ва бошқа такрорламасликда.

— Ўғлим, хатосини вақтида иллаган одам — авлийдир.

— Ўғлим, қўлингдан келадиган ва ақлинг етадиган юмушни қил. Тижорат қилман, деб хижолат тортмагин.

ишини, юрт юмушини ва хизмат вази-
фангни ҳамиша бирламчи деб бил!

— Ўғлим, ҳаётингда ҳамиша нимадир
(моҳдий неъмат маъносиде) етишмасдан
турсин, акс ҳолда худбинга айланасан.

— Ўғлим, ҳамиша, ҳаттоки бойлигинг
ошиб-тошиб кетганда ҳам, хонадонингда
нимадир тақчил, фарзандларинга нима-
лардир етишмасдан турсин. Улар ўшан-
дагина бир сўмнинг ҳам қанчалик пешона
тери ва машаққағли меҳнатлар эвазига
келаётганлигини ҳис қилади ва буни
қадрлайди.

— Ўғлим, анчайин тортинчоқсан-да,
одамлар орасига кириб, тезда кўшилиб
кетолмайсан. Бундан қутулишга ҳаракат
қил. Акс ҳолда, бу қусуринг сенга ҳаётда
кўп пана беради.

— Ўғлим, шукрона қил, ҳамма нарса
қазою кадарнинг сиру асроридандир, пе-
шонга нима ёзилган бўлса, ижобат бў-
лади, иншооллоҳ.

— Ўғлим, луқманинг ҳалоллиги — инсон
қалбидеги иймоннинг мустаҳкамлигидан.

— Ўғлим, фозилнинг фазилати шунда:
билганини «биламан», билаганини «била-
майман», — дейди.

— Ўғлим, инсон Оллоҳ томонидан яра-
тилган бетакрор шоҳ асардир.

— Ўғлим, буюк одамлар содда ва ишо-
нувчан бўлишади.

— Ўғлим, инсоннинг умри давомида
қиладиган кичик-кичик хайрли ишлари
тўпланиб улкан савобга айланади.

— Ўғлим, тафаккур тўхтаган жойда та-
назул бошланади.

— Ўғлим, элда обрў-эътиборли бўла-
йин, халқим улуғласин десанг, давлат

◆
— Үғлим, пул сұрасалар, майли, бер.
Нон сұрасалар, майли, бер. Молу дунё
сұрасалар, майли, бер. Ер сұрасалар, асло
берма!

◆
— Үғлим, анови отабезорининг ишини
кўрмайсанми, йиллаб тўшақда михланиб
ётган падарини ярим кило гўшт олиб
келиб йўқламаган эди. Вақти қазоси етиб
отаси вафот этганида дошқозонда икки
юз кило ош дамлаб, сохта обрў олмоқчи...

◆
— Үғлим, фоний дунёда тўғрилик излаб
хақиқат топгандан кўра, ёлрон сўзлаб,
мартабаси ортанлар кўпроқдир.

◆
— Үғлим, умр беш кунлик эканини
унутма ва эзгу ишлар қилиб қол! Чунки,
биринчи кун — сен дунёга келган кун —
ўтай. Иккинчи кун — сен уйланиб, оилами
бўлган кун — ўтай. Учинчи кун — фар-
зандлар кўриб, ота деган номга эга бўл-
ган кун, бу кун ҳам ўтай. Тўртинчи кун —
эзгу ишлар билан ном қоладириладиган
кун — ўтяпти. Бешинчи кун — сен дунёни

тарк этадиган кун бўлиб, бу сенга боғлиқ
эмас.

Инчунун, ихтиёрингда бир кунга етар-
етмас вақт қолган, шошил!

◆

— Үғлим, адолатни фақат вақт тик-
лайди.

◆

— Үғлим, адолатнинг битта, адолатнинг
мингга кўзи бор.

◆

— Үғлим, сени ёқлаб, кўпчиликнинг
овоз бериши бу — ҳали адолат тантанаси
дегани эмас.

◆

— Үғлим, адолат заифлашган жойда
адолат кучаяди.

◆

— Үғлим, ёлрон билан чин дўстлашган
манзилда адолат бўлмайди.

◆

— Үғлим, адолатсиз одамгина адолатдан
кўрқади.

— Ҳалим, Анвар Абзамхўжаев, Карим Назаров, Ҳожи Акбар Раҳмонкулов, Зиёдулла Муқимов каби донишманд ва таҷрибали ҳуқуқшуносларга ҳам замонадош, ҳам шогирд эканлигиндан фахрлан. Уларнинг доно ўғитию фойдали суҳбатларидан имкон қадар кўпроқ баҳраманд бўл!

Эҳ, ёнингда бирга юрган улуғ инсонларнинг қадрига етмайсан-аа...

— Ҳалим, адолатли ҳуқуқшунос қўлидаги қонун ҳар қандай қуроладан кучлидир.

— Ҳалим, қонун ҳам қуёш сингари барчага тенг ва баробар бўлсагина таъсир доираси кучли бўлади.

— Ҳалим, жамиятда содир этиладиган жиноятларнинг замирида кўпинча кўрсак ҳам кўрмасликка, билсак ҳам билмасликка олиб, ёнидан бепарво ўтиб кетадиган оддий одобсизликлар ётишини унутма.

— Ҳалим, одамнинг ҳалола лафзи ҳар қандай нотариат идораси томонидан тасдиқлаб берилмадиган расмий қоғоздан устун туради.

— Ҳалим, ҳақ-ҳуқуқини билмайдиган одам қорни тўқ, аммо яланғоч жонзодага ўхшайди.

— Ҳалим, қонундан қўрққан, унга риоя қилган одамгина ҳаётда ҳалола яшайди.

— Ҳалим, одамлар борки, ҳуқуқшунос эмас. Бўлмаса бўлмас. Ҳамманинг ҳуқуқшунос бўлиши шарт ҳам эмас. Ҳуқуқшунослар борки, ҳуқуқшунос эмас. Ана буниси кўрқинчли.

— Ҳалим, порахўрнинг номи Африкада ҳам порахўраир. Чунки унинг миллати бўлмайдди.

— Ҳалим, судхўрадан фоиз ҳисобига зинҳор қарз ола кўрма, хонавайрон бўлсан.

◆
— Үғлим, нафс — жиноят ҳовлисига кирайла диган дәрчадир.

◆
— Үғлим, дунёда энг оғир дара — нафс балосига гирифтор бўлишадир.

◆
— Үғлим, фақат тирикчилик учунгина яшаб юрган одам ўлиқдир.

◆
— Үғлим, яхши одамнинг дўсти, ёмон одамнинг эса каму кўсти кўп бўлади.

◆
— Үғлим, дунёда одамларга яхшилик қилишдан-да яхшироқ яхшиликни билмадим.

◆
— Үғлим, яхшилик қилганга яхшилик қил, ёмонлик қилганга яхшилик қил. Ҳар иккисини қилмаганга яхшилик қил!

◆
— Үғлим, яхши инсонни ҳам уч-тўрт жойда «ёмон» десаңг, у сўзсиз ёмонга айланади.

◆
— Үғлим, одамларнинг сараси бўлиш мингдан, балки, ҳар ўн мингдан бир инсонгагина насиб қиладиган мукофотдир.

◆
— Үғлим, ким биландир ораларингда ёпилиб қолган самимият эшигини ҳамisha биринчи бўлиб очишга интил!

◆
— Үғлим, одамлар билан бўладиган муносабатда меҳринг ва қаҳрингни мутаносибликда сақла. Меҳрингни ошириб юборсанг қаҳринг кетади, қаҳрингни ошириб юборсанг душманинг кўпаяди.

◆
— Исмагулла!

— Лаббай, отажон!

— Неча ёшга кирдинг?

— Ҳттиз бешга.

— Менга айт-чи, сенга бирор маротаба қовоғимни уйиб қараганманми?

— Йўқ.

— Сўкканманми?

— Йўқ.

— Жаҳлим чиққан пайтда кўлимга эрк берганманми?

- Йўқ.
- Унда нега набирам Насруллага кўла кўтардинг?
- ...
- Ўғлим!
- Лаббай, отажон!
- Умри билан кўшиб берган бўлсин, яна қизчалик бўлибсан.
- Қумлуқ, отажон.
- Сен, жаннатисан. Хўш, Гўзал... Гулруҳ... бунисининг исми Гулрухсор бўла қолсин, омин!
- ◆
- Исмагулла!
- Лаббай, отажон!
- Олим бўлдинг, муборак бўлсин.
- Қумлуқ, отажон.
- Дарвоқе, яхшигина истеъдодинг бўла туриб ёш умрингни мактабга бормасдан пахта далаларида меҳнат қилиш билан ўтказиб юборган экансан-да, эссиз.
- ◆
- Ўғлим!
- Лаббай, отажон!
- Тошкентта сизлар билан видолашувга келдим. Мендан рози бўлинглар.

- Нималар деяпсиз, отажон?. Кўрқитманг. Худо хохласа, юз ёшга кирасиз.
- Ниятингни шамол учирсин. Дарҳақиқат, агар самолётлар узоқ йиллар мобайнида пахта далаларини бутифос дори си билан дефолиация қилиш баробарида уйлар ва одамлар устидан учиб, аёвсиз захарламаганида юз ёшинг нимаси, ундан-да ошардим.
- ◆
- Отажон!
- Эшитаман, ўғлим!
- Илм эгаллаш учун қандай йўл тутмоқ лозим?
- Эшитмоқ.
- Яна?
- Эшитмоқ.
- Яна-чи?
- Яна эшитмоқ, сўнгра билим олмоқ ва унга амал қилмоқ зарур.
- ◆
- Отажон!
- Эшитаман, ўғлим!
- Дунёда муқаддас зот ким?
- Она.
- Ота-чи?
- Отани ҳам она яратган-да, ўғлим.

- ◆ — Одижон, ўғлим!
- Лаббай, мулла бобо!
- Жойингда ўтиролмасдан нега сак-райсан, бошқа дўстларинг одоб сақлаб ўтиришибди-ку ёки мучалинг маймунми?
- Тўғри, мучалим маймун, лекин бунди сиз қаердан била қолдингиз, мулла бобо?
- ◆ — Ўғлим, одамларни севиш ўзингни ёмон кўришдан бошланади.
- ◆ — Ўғлим, ёмонга ҳам ёрдам қил!
- ◆ — Ўғлим, одамларни ёмон дема, одамларни ёмон кўрма, одамларга ёмонлик қилма.
- ◆ — Ўғлим, яхшилигинг баъзан ёмонлик бўлиб қайтса, ажабланма!
- ◆ — Ўғлим, олим — мевали дарахдир. Шунинг учун ҳам унинг мевасидан баҳраманда бўлиш орзусида билиб-билмасдан унга тош отувчилар кўп бўлади.

- ◆ — Ўғлим, истеъодли олимни ўлдир-моқчи бўлсанг, унга мансаб тақлиф қил!
- ◆ — Ўғлим, уйда кутубхонаси бўлмаган зиёли қўлида меҳнат анжومي йўқ ҳунармандага ўхшайди.
- ◆ — Ўғлим, билмаганнинг билганидан билганнинг билмагани аруст.
- ◆ — Ўғлим, дунёда ота-онанинг қару қимматини ўзбеклардек ўрнига қўядиган миллат йўқдир.
- ◆ — Ўғлим, ота-она дуоси бамисоли тириклик ёмғири каби ҳаётбахшдир. У инсонни ундиреди, ўстиради ва кўкка бўй чўздиреди.
- ◆ — Ўғлим, фарзанди билан фахрландиган ота дунёда энг бахтли отадир.
- ◆ — Ўғлим, отанинг хагги-ҳаракатлари, ҳагто, ҳаддан ошганда ҳам фарзанд томонидан муҳокама қилинмайди.

◆ — Ўғлим, отага хиёнат қилиш Олоҳда хиёнат қилиш билан баробардир.

◆ — Ўғлим, фарзандларингни ҳалол йўлар билан боқ. Ҳаром-ҳариш нарсалар уларнинг ошқозонига ва қонига ўтиб кетишидан эҳтиёт бўл!

◆ — Ўғлим, ўр ўғилга ўғит ҳайф.

◆ — Ўғлим, хотиранг пана берса-да, хотининг пана бермасин.

◆ — Ўғлим, оила қўрғонини ишонч пойдевори устига қур. Сен хотинингдан, хотининг эса сендан гумонсирамасин.

◆ — Ўғлим, оиласида ўз ўрни бўлмаган одам — бахтсиздир.

◆ — Ўғлим, оқила аёли бор эркакгина ўз олига қўйган улутвор мақсадларга эришиши мумкин.

◆ — Ўғлим, эр-хотин ўртасидаги ўзаро тортишувларда энг аруст химоя воситаси томонлардан бирининг биринчи бўлиб хужумга ўтиши эмас, балки уларадан бирининг ён бериши ҳисобланиб, у оила барқарорлигини таъминлайди.

◆ — Ўғлим, оиладаги эр ёки хотиннинг ҳаром-ҳаришдан парҳез қилмасликлари оқибатида бегуноҳ фарзандлар жабр тортади.

◆ — Ўғлим, аёлларнинг ҳурматини жойига қўй. Чунки, улар онанг, оланг, хотининг, синглинг ва қизингдир. Аёллар қаарига етмаган эркакнинг аҳволи фожиалидир.

◆ — Ўғлим, шиша ичидаги ароқ тубсиз денгизга ўхшайди. Унинг гирабига тушган кимса чўкмасдан қолмайди.

◆ — Ўғлим, одамзод бошига тушадиган кулфаг ва ғам-ташвишларнинг ярмидан кўпроғи ичиш ва чекиш орқалидир.

◆
— Ёғлим, ароққа суяниб қолган отадан фарзандлар безади, оила ағалмиш кўрғон барбоа бўлади.

◆
— Ёғлим, ароқ наслини бузиш мақсадида одамзоа аушманлари томонидан махсус яратилган «кашфиёт»дир.

◆
— Ёғлим, ёшлар орасида ароқни «эр-каклар ичади», деган ибора юради. Бу сохта мактовга асло ишонма!

◆
— Ёғлим, тўй, тавалуа куни, меҳмондорчилик, дўстлар давраси, тушкунликка тушиш ва бошқа бўлар-бўлмас баҳоналар ёшларнинг ароққа ружу кўйишига сабабдир. Унинг зарарини ҳис этган пайтда кечиккан бўлилади. Афсус чекмасдан бурун бу оғудан ўзингни тий!

◆
— Ёғлим, Хўжа Исмоил ал-Бухорий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Беруний, ал-Форобий, ал-Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний сингари Ислоом дунёсига

маълум ва машҳур аждооларимиз ҳақида ўйласам, ҳақиқатан ҳам, Ислоом Маккада тугилиб, ўзбек дие́рида ўсиб, улғайиб, вояга етганигига иймон келтираман.

◆
— Ёғлим, ўзбекнинг қуаратли Амир Темури сингари унинг тили ҳам қуаратлидир.

◆
— Ёғлим, тилга эътиборсиз бўлма. У Ватан қалбида, милаат ҳимоясида яшайди.

◆
— Ёғлим, она тилини билмаслик — Она-ни, Ватанни билмасликдир.

◆
— Ёғлим, тилимиз ҳам миллий курашимиз каби соф, тоза ва ҳалолдир. Замонлар келиб, дунё халқлари ўзбек тилини ўрганишлариға ишонаман. Миллий курашимизни эса ҳозирнинг ўзида жаҳон тан олмақда.

◆
— Ёғлим, ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийға таъзим қилиш учун ҳам ўзбек тилини билмоқ ва ўрганмоқ зарур.

◆ — Ўғлим, ўзбек миллати сеҳрлар но-
тиклар, тилимиз заргерларнинг кўпайи-
шидан ҳамisha манфаатдордир.

◆ — Ўғлим, она тилимизга ёт сўзларни
кўшиб ишлатишдан ўзингни тий. Чунки
у ҳурматсизликдир.

◆ — Ўғлим, эзгулик — инсон маънавий
оламининг безагидир.

◆ — Ўғлим, эзгулик тарк этган жойни
ёвузлик макон қилиб олади.

◆ — Ўғлим, бўлса — тежа, бўлмаса — қа-
ноат қил. Нафсинга раддия бер!

◆ — Ўғлим, иймонсиз сотувчининг дўко-
нида инсофдан бўлак барча мол топилади.

◆ — Ўғлим, мол-дунё одамларни синаш
учун берилмадиган омонатдир. Бу омонат

уларни эзгуликка ҳам, қабоҳатга ҳам
бошлаши мумкин.

◆ — Ўғлим, омонатга хиёнат қилма, бу —
мунофиқликдир.

◆ — Ўғлим, ҳаётга очкўзлик билан эмас,
ошиқлик билан боқ.

◆ — Ўғлим, нодонлар ақлли одамлар би-
лан ҳеч қачон мурося қилиб кетолмайди.

◆ — Ўғлим, нодондан кўмак сўрагanning
ўзи нодондир.

◆ — Ўғлим, ҳасад — қонни бузади.

◆ — Ўғлим, кўролмаснинг қаҳри — илон-
нинг захридан ёмон.

◆ — Ўғлим, мансабдорлик — манфаатдор-
лик дегани эмас...

◆ — Ўғлим, одамнинг мансабига қараб
муносабатда бўлиш ва муомала қилиш —
калтафаҳмлиқдир.

◆
— Ўғлим, хўжасининг гапларини так-
рорлашни пухта ўзлаштириб олгани билан
тўтиқуш воизга айланиб қолмайди.

◆
— Ўғлим, тунда хушёр бўлишни давлат
деб бил, кундузи... ўзинг биласан.

◆
— Ўғлим, сени сахий ва саховатпеша
деб, оладингда мақтовчи тилёғламалардан
кўрқ!

◆
— Ўғлим, бировни сенга келиб ёмон-
лайдиган хушомадгўй лутфида, ўзингга
нисбатан ҳам ғараз мақсадлар ниқоблан-
ганлигини ёдингдан чиқарма!

◆
— Ўғлим, чақимчи — одам қиёфасидаги
иблисдир.

◆
— Ўғлим, тилёғлама одам — аўстни ауш-
ман, аушманни аўст қилиб кўрсатувчи
шайтондир.

◆
— Ўғлим, шайтондан эмас, шайтон қиё-
фасидаги одамдан кўрқ!

◆
— Ўғлим, мулоиймнинг макридан, зиқ-
нанинг захридан, тухматнинг тиғидан
огоҳ бўл!

◆
— Ўғлим, умиддан бошқа бисотингдаги
барча нарсаларни йўқотган бўлсанг-да,
Сен бахтлисан.

◆
— Ўғлим, қуёш нури тушмайдиган хо-
надон бефайз, унда яшайдиган одамлар
эса касалманда бўлишади.

◆
— Ўғлим, бошқалар устидан сенинг ва
сенинг устидан бошқаларнинг кули-
ши — бефаросатлиқдир.

◆
— Ўғлим, тентак билан тенглашма.

◆
— Ўғлим, ақлдан озиб қолишдан эмас,
аҳмоқ бўлиб қолишдан кўрқ!

◆
— Ўғлим, кўз — кўнгила тилмочидир.

— Ўғлим, ғам-қайғуга бардош бера оладиган одам қуаратлидир.

— Ўғлим, виждон азоби гўр азобидан юз чандон даҳшатлироқдир.

— Ўғлим, ишончсизлик инсонгарчиликка жиддий путур етказди.

— Ўғлим, истак яхши, лекин у қорин тўйғазмайди.

— Ўғлим, шошқалоқлик — қолоқликдир.

— Ўғлим, буюклик бу — юқдир.

— Ўғлим, бекорчи — тараққиёт купан-дасидир.

— Ўғлим, вақтини ўзи мустақил тақсимлай оладиган одам дунёдаги энг бахтли одамдир.

— Ўғлим, ноганиш суҳбатдош гўғрисидаги дастлабки таассуротлар ҳамиша алдамчи.

— Ўғлим, кечиримли ва кенғеъли бўл!

— Ўғлим, аллоф бўлсанг ҳам қаллоб бўлма!

— Ўғлим, фожиа ўз номи билан фожиа. Унинг қатта-кичиги бўлмайди.

— Ўғлим, ўжарлик, у — жарликдир.

— Ўғлим, айбингни бекитмоқчи бўлсанг, дўстларингни кўпайтир!

— Ўғлим, кексайсанг кексайгин-у, асло кеккайма!

— Ўғлим, замона зайли билан бир бечора кимса эшагини «тоға» деб юборган экан, уқдингми!?

◆
— Ўғлим, жуаа ширинликка ўчсан-да.
Ха, майли, бу одалинг дуруст, чунки, ширинликка ўч одамнинг қўли очик бўлади.

◆
— Ўғлим, араз бўлсанг-да, гараз бўлма.

◆
— Ўғлим, одамлардан куч олсанг олгин-у, фақат ўч олма!

◆
— Ўғлим, ўзингдан ёмонроқларни ҳам миша ёмон кўр!

◆
— Ўғлим, вақтида қайтарилмаган қарз одамни тез қаритади.

◆
— Ўғлим, одамни иш эмас, «миш-миш» толиқтиради.

◆
— Ўғлим, аччиқ гапирса-да, очик гапирган одамнинг қадрига ет!

◆
— Ўғлим, оёғинг тойса ҳам, тилинг «той-масин».

◆
— Ўғлим, фурсатим етмаяпти, демагин. Парвардигор хуш кўрмайди.

◆
— Ўғлим, ҳаётда йўқотишлар бўлиши муқаррар, бунга ўзингни тайёрлаб бор!

◆
— Ўғлим, инсон қалби бамисоли опшоқ қоғоз. Бадбўй, қўланса қора сиёҳлар тўкилиб кетишидан уни асраб-авайла.

◆
— Ўғлим, синамасдан сираош тутинма!

◆
— Ўғлим, бандасининг тишига яраша ризк, ишига яраша мартаба ва қилмишига яраша жазо тайин этилган.

◆
— Ўғлим, ҳамма нарсани билишга оши-қаверма. Чунки, кўп нарсани билиш ҳам баъзида, одам бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кунларни солади.

◆
— Ўғлим, ҳар бир юмушни кечирим сўрайдиган ҳолатгача олиб бормайдиган одам — марааир.

◆
— Ўғлим, ҳақиқат мавжуд, ишонавер,
Фақат у ҳамisha кечикиб юради.

◆
— Ўғлим, муסיқа ҳам нон сингари ҳеч
қачон кўнгилга тегмайди.

◆
— Ўғлим, сабабсиз кулиш — телбалик-
нинг дастлабки белгисидир.

◆
— Ўғлим, сафарга чиқмасдан бурун со-
диқ йўладош топ.

◆
— Ўғлим, оёғи тойганинг ҳолдан кулма.

◆
— Ўғлим, бисотида илми ва касб-кори
бўлмаган одам камбағалдир.

◆
— Ўғлим, камбағаллик айб эмас, бироқ
камбағалликка кўникиб қолиб, уни умр-
боа «касб»га айлантириб олиш айбдир.

◆
— Ўғлим, аўпти кийган ҳар қандай мар-
дум ўзбек, салла ўраган ҳар кас мулла эмас.

◆
— Ўғлим, шум хабарни ўзгаларга етказишга ошиқма. Агар у ёлгон бўлиб чиқса, уялиб қоласан.

◆
— Ўғлим, «йигитчилик — итчилик» деб уни елга совурма.

◆
— Ўғлим, ёшлар кўпинча майнабозчиликни гапга чечанлик, деб тушунадилар.

◆
— Ўғлим, самимийлик қанчалик кўп ишлатилса, унинг салмоғи шунчалик ошиб бораверади.

◆
— Ўғлим, халқдан йироқлашсанг-да, Ҳақдан йироқлашма.

◆
— Ўғлим, олов овқатни пиширади, мақтов одамни пиширади.

◆
— Ўғлим, деразангни очганинга, уйингга тоза ҳаво билан бирга чанг-тўзонлар ҳам киришини унутма.

◆
— Үғлим, сенинг душманларингдан эмас, кўпроқ аўстларингдан кўрқаман.

◆
— Үғлим, тангиликни тупроқдан, се-робликни сувдан, саховатни самодан, қуаратни қуёшдан, юксақликни юлаудан ўрган.

◆
— Үғлим, ўзингни атрофдагилардан ақллироқ қилиб кўрсатма.

◆
— Үғлим, тавба — гуноҳни, садақа — балони, ғам — умрни, ёлғон — ризқни қай-таради.

◆
— Үғлим, ҳаёт машаққатлари одам ақ-лини чархлайди.

◆
— Үғлим, бўрини оёни боқади, деб мол-дунё ортидан тўрт оёқлаб югуриб кет-магин.

◆
— Үғлим, ҳар қандай хайрли ишнинг бир салбий томони ва ҳар қандай хайрсиз ишнинг бир ижобий жиҳати бўлади.

◆
— Үғлим, бўлар-бўлмас гапларга кўлам парво қилаверма, аммо бепарво ҳам бўлма!

◆
— Үғлим, ёлғиз юрма, ёлғиз турма, ёл-ғиз нонушга қилма. Ёлғизлик — бахтсиз-лик келтиради.

◆
— Үғлим, хушхулқли бўл! Хушхулқли-лик насл-насаб ўрнини босади.

◆
— Үғлим, бахт — аҳилликнинг соясидир.

◆
— Үғлим, фожирлар кўпайган элда фо-жиалар кўпаяди.

◆
— Үғлим, барча нохуш ҳодисалар кўн-гилнинг бузилишидан содир бўлади.

◆
— Үғлим, номиш — заифлик белгисидир.

◆
— Үғлим, инида тинч ётган куёнга қаш-қир йўламайди.

◆ — Ўғлим, ақл — бўлса бериб, бўлмаса бошқалардан қарзга олиб туриладиган матоҳ эмас.

◆ — Ўғлим, Оллоҳ таоло кечириб-кечириб, кеч уради.

◆ — Ўғлим, қўлнинг тирсаги оғизга яқин бўлгани билан уни тишлаб бўлмайди.

◆ — Ўғлим, жаҳл — тубсиз ботқоқликдир.

◆ — Ўғлим, инсонга алоқадор ҳар қандай фожиа унинг ўз айби ва бевосита иштироки билан содир бўлади.

◆ — Ўғлим, тирикчилик баъзи бир олғирлар ўйлаганчалик «тирикчилик» эмас.

◆ — Ўғлим, дунёда энг оғир йўқотиш — вақтни йўқотишдир.

◆ — Ўғлим, ўзликни англаш — ўзингга ўзинг қарши чиқишдан бошланади.

◆ — Ўғлим, бойлик билан ақлни топиб бўлмайди, аммо ақл билан бойлик топиш мумкин.

◆ — Ўғлим, одам захрини одам олади, зинҳор-базинҳор «одам иси»дан ўзингни олиб қочма.

◆ — Ўғлим, меҳнат қилмасанг, истеъдоднинг ҳам шамдек сўнади.

◆ — Ўғлим, фақат, ўзингникини маъқул-ламасдан, ўзгалар гапига ҳам қулоқ солишни ўрган.

◆ — Ўғлим, касбу корингдан нолима. Касбу коридан нолигanning косаси оқармайди.

◆ — Ўғлим, элдан ажралганинг — белдан ажралганинг.

◆ — Ўғлим, хотиржамлик узок умр гаровидир.

дан тушиб кетиш эса жуаа осон ва айни пайтада халокатлади. Одамлар эътиборидан қолиш ҳам баланд тоғ чўққисидан ерга қулаб тулишга ўхшайди.

— Ўғлим, дилдордан дил озар.

— Ўғлим, рўзгорда каминг бўлса ҳам, каминг бўлмасин.

— Ўғлим, тама кўчасидан ўтма, тамагир кўрпачасида ўтирма.

— Ўғлим, фарзандларинг кўп бўлсин. Пайғамбаримиз ҳам: «Мен умматларимнинг кўпчилиги билан фахрланаман», деб бежиз айтмаганлар, иншоолоҳ.

— Ўғлим, ифлос сувда чўмилима. Ифлослар сочиғига юз-кўлингни артма!

— Ўғлим, бировнинг сенга қилган ёмонлигини ва ўзингнинг бировга қилган яхшилигингни тезда унут!

— Ўғлим, сендан ҳол-аҳвол сўрашса, танг ҳолатда бўлсанг-да: «Худога шукр, яхши», деб жавоб беришга одаглан. Нолишга нон ботириб ейишга ўрганма. Билиб қўй, зорланувчига нисбатан одамларда ачинаш хисси уйгонгандек туюлса-да, аслида у кўпчиликда истехзо туйғусини кўзгатади.

— Ўғлим, фуруринг ҳаммаша уйбоқ бўлсин.

— Ўғлим, ўргимчак тўрлари макон қилиб олган хонадондан файз қочади.

— Ўғлим, хотини қўшнисидан икки дона пиёз ва бир сиқим туз сўраб чиққан йигитнинг тирик юрганидан ўлгани афзал.

— Ўғлим, тоғнинг чўққисига минг бир азоб ва машаққатлар билан чиқилади. Ун-

— Ўғлим, жанозада кулиб гаширувчи кимсadan ҳазар қил!

◆
— Ұғлим, тўғри, ақл ёшда эмас, бошда. Аммо ақлим бор деб акаларингга насиҳат қилишга одаatlanма. Бу жуда хунук кўринадди.

◆
— Ұғлим, синглингниг хонадонидан хабар олиб туришни унутма. «Узоққа тушган қизни зиёрат қилиш Маккани зиёрат қилиш билан баробардир», дейишган машойихлар.

◆
— Ұғлим, пойгақда жой бўлса, тўрға чиқишга интилма. Чунки, обрўли одам пойгақда ўлтиргани билан обрўсиз ёки обрўсиз одам тўрға чиққани билан обрўли бўлиб қолмайди.

◆
— Ұғлим, бегоналар олаида ўғил-қизингни асло мақтама! Айтиқса, ўзгаларга хотинини мақтаган эркакнинг бошига афсус-надоматлар ёмғири ёғилиб туради.

◆
— Ұғлим, «Ўғли борнинг — ўрни бор...» дейишади. Ҳаётда ўз ўрнинга эга бўлиш учун кураш. Билгин, ҳатто нари-бери бир

кун умр кўрадиган майда ҳашаротнинг ҳам ҳаётда ўз ўрни бор. Сен ахир инсонсан-ку!

◆
— Ұғлим, кўп эшитишдан эмас, кўп гапиришдан қоч! Меъёридан ошган фойдали таллар ҳам одамни зериктиради.

◆
— Ұғлим, рўзғори тўкин бўлмаган эркакнинг турмуши сокин бўлмайди. Рўзгорингни тўкин қилишга инти!

◆
— Ұғлим, қўли кир одамдан эмас, кўнгли кир одамдан кўрқ!

◆
— Ұғлим, башаранга бировнинг кўзи билан ҳеч қараганмисан? Бир қараб кўр. Агар кўлол, беўхшов ва хунук кўриниб кетсанг, тезда ўзингни тузат!

◆
— Ұғлим, одамларга нисбатан бўлган ортиқча меҳринг баъзан ўзингни алдайди.

◆
— Ұғлим, хиёнатдан бошқа ҳамма нарсани кечирришга ўзингда куч топ!

◆
— Ўғлим, гувоҳ унутилиши мумкин, лекин гуноҳ асло унутилмайдми.

◆
— Ўғлим, инсондан кўрқмасанг-да виждондан кўрқ!

◆
— Ўғлим, бировнинг бахтидан, бошқа бировнинг эса бахтсизлигидан ибрат ол.

◆
— Ўғлим, эҳтиёждан ортиқ мол-дунё — қалб иллатидаир.

◆
— Ўғлим, ўзи яхши ақсиз одамдан кўра, ўзи ёмон бўлса-да ақлли одам аруст.

◆
— Ўғлим, эплаган эпчил эр элакда ҳам сув ичади.

◆
— Ўғлим, ота-она учун фарзанднинг яхши-ёмони бўлмайдми. Бурунни иркитлиги учун кесиб ташлаганларини ҳеч кўрганмисан?

◆
— Ўғлим, қобил фарзанда ота-онасини тўрға, ноқобил фарзанда эса гўрға етаклар.

◆
— Ўғлим, аўстингга сирингни айтма, дushmanингга ўзинг биласан.

◆
— Ўғлим, юксакаликка кўтарилаганинг сайин хўшёрликни ошириб бор.

◆
— Ўғлим, ялқовлик — хору зорлик ҳовлисига элгувчи йўдаир.

◆
— Ўғлим, отани улуғлаш — бахт, Ватанни, халқни улуғлаш эса шарафдаир.

◆
— Ўғлим, ўзини билмаган ўзалигидан айриллар.

◆
— Ўғлим, баъзи қавмлар қариндош-уруелари вафот этганда, майитни ювиш учун мурдашўй ёлмашади. Бу одаат ўша қавмнинг вафот этган қариндошига нисбатан бўлган хурмагсизлигидир.

◆
— Үғлим, бани одам күзёши нима-
лигини ота-онасы фоний аунёни тарк
этгандан кейингине англаб етаркан.

◆
— Үғлим, ёмонликдан тийилиш ҳам ях-
шилиқ қилиш билан баробардир.

◆
— Үғлим, бадфеъа қариндошдан етгийёт
бўлса-да, хушфеъа бегона афзал.

◆
— Үғлим, журъатсизлик ҳамisha мағлу-
бият билан яқун тоқсади.

◆
— Үғлим, ўқимингизнинг ўқи ўзади.

◆
— Үғлим, илаизси аарахтнинг аҳволи
ўзингга аён. Қилдайгизгина бўлса-да, ўз ил-
дизинг бўласин.

◆
— Үғлим, зинҳор-бес азинҳор ўғил-қизла-
рингни қарғаш хаёлингизга келмасин. Шай-
тон йўздан уриб, бу калтафаҳмлик хоти-
рингга келгудек бўлганда ҳам «Астағфи-

◆
— Үғлим, эски аўст — эсли аўст. Ундан
аушманлик чиқмайди.

◆
— Үғлим, сергакалуф аўстан бегони
ауруст.

◆
— Үғлим, аўст танлашда зийрак бўл.
Танлаб топган аўстинг товукмижоз бўлса,
юмушинг гўнг титиш бўлади.

◆
— Үғлим, қўрқоқ одам мужмал, уқувсиз
одам эса анчайин бақироқ келади.

◆
— Үғлим, лоқайдлик инсоннинг ўзига
ўзи қилган хиёнатидаир.

◆
— Үғлим, сувни бир киши лойқалатади,
кўпчилик эса маломатга қолади.

◆
— Үғлим, аунёда ғайритабийй бир ҳа-
қиқат мавжуа: Аушманларинг сафи кў-
пайиб боргани сайин ўзинг ҳам улуг-
лашиб борсан.

◆ — Үғлим, эски аўст — эсли аўст. Ундаан душманлик чиқмайди.

◆ — Үғлим, сертакалуф аўстаан бегона ауруст.

◆ — Үғлим, аўст танлашда зийрак бўл. Танлаб топган аўстинг товуқмижоз бўлса, юмушинг гўнг титиш бўлади.

◆ — Үғлим, кўрқоқ одам мужмаа, укувсиз одам эса анчайин бақироқ келади.

◆ — Үғлим, лоқайдалик инсоннинг ўзига ўзи қилган хиёнатидир.

◆ — Үғлим, сувни бир киши лойқалағани, кўпчилик эса маломатга қолади.

◆ — Үғлим, дунёда файритабийий бир ҳақиқат мавжуд: душманларинг сафи кўпайиб боргани сайин ўзинг ҳам улуглашиб борасан.

◆ — Үғлим, бани одам кўзёши нималигини ота-онаси фоний аунёни тарк этгандан кейингина англаб етаркан.

◆ — Үғлим, ёмонликдан тийилиш ҳам яқшилик қилиш билан баробардир.

◆ — Үғлим, бадфеъа қариндошдан еттиёт бўлса-да, хушфеъа бегона афзал.

◆ — Үғлим, журъатсизлик ҳамиша мағлубият билан яқун топади.

◆ — Үғлим, ўқимишлининг ўқи ўзади.

◆ — Үғлим, илдиэсиз дарахтнинг ахволи ўзингга аён. Қилдайгина бўлса-да, ўз илдизинг бўлсин.

◆ — Үғлим, зинҳор-базинҳор ўтил-қизларингни қарғаш хаёлингга келмасин. Шайтон йўлдан уриб, бу калтафаҳмлик хотирангга келгудек бўлганда ҳам «Астағфи-

руллоҳ» дегин, тавба-тазарру қил. Зеро,
«Ота қарғиши ўқ...» эканлигини унутма!

◆
— Ўғлим, дунё — бозор. Бозор эса тавак-
калчиликни хуш кўради.

◆
— Ўғлим, бой-бадавлат киши бог-бот
хаголикка йўл қўйса-да, ҳеч нарса йўқот-
майди, шул боис, у хато қилишдан чўчи-
майди.

◆
— Ўғлим, одамзода табиатан чиройли
нарсаларга ўч бўлади.

◆
— Ўғлим, дунёда энг бахтли одам — қал-
бида бир умр Оллоҳни сақлаган одамдир.

◆
— Ўғлим, ҳалол одам ҳаётда йўл қўйган
арзимаган хатоси учун бир умр товон
тўлаб ўтаркан.

◆
— Ўғлим, хиёнат бў — қутилмаганда бе-
хосдан бериладиган зарба. Унга дош
бериш амримаҳол.

◆
— Ўғлим, қалбга қулоқ тутмаслик тел-
балик. Чунки, бу фоний дунёда ҳали ҳеч
кимга ўз қалбидан қочиб қутулиш насиб
этмаган.

◆
— Ўғлим, душманинг борлигига шукр
қил. У сени ҳамиша огохликка чорлайди,
ўзинга нисбатан талабчан бўлишга, шахс
сифатида имкониятларингни кўрсатишга
ундайди.

◆
— Ўғлим, балиқ овлашни истаган одам
қармоқ билан дарёга бориши керак.

◆
— Ўғлим, қарзга олинган ит уйни қў-
риқламайди.

◆
— Ўғлим, ҳадиқ, хавотир — жонингни
тилим-тилим қилиб тиладиган ўткир хан-
жардир.

◆
— Ўғлим, инсон оламни фақат илм ор-
қалигина англаши мумкин.

◆
— Ұғлим, хаётта халол бұл. Зеро, қут-
барақа, улуғ ажру савоблар фақат халол-
лик орқасидан келады.

◆
— Ұғлим, нафрат — ғазаб аралаш жир-
канч туйғудир. Уни қўлашда эҳтиёт бұл,
ўзингни ихота қил.

◆
— Ұғлим, ғазаб — инсон ичиде алаңга-
ланиб турган чўғдир.

◆
— Ұғлим, ўзи қолиб ўзгалардаги нуқ-
сонларни тафтиш қилиш — инсондаги
тузалмас хасталиқдир.

◆
— Ұғлим, ҳасад — соҳибини ҳалок қил-
магунча тинчимайди.

◆
— Ұғлим, беларводан кўпроқ кўрқ.

◆
— Ұғлим, эблиқоди сусайган одамнинг
қалби ўлган бўлади.

◆
— Ұғлим, ўлим — буюк тилсимот. Бан-
даси ўлимни сифатлаб беролмайди.

◆
— Ұғлим, бойлик ҳаменинга кирган
дамдан бошлаб вужудингда ҳузур-ҳаловат
йўқолади, ўзинг ҳеч кимсани тан олмай-
диган хуабинга айланасан.

◆
— Ұғлим, меҳрсиз қалбда зулм бош кў-
таради, меҳрсиз оилада таназзул бош-
ланади.

◆
— Ұғлим, биров билан қуаллашишдан
аввал кўзларингни катгароқ оч, қуаллаш-
ганингда сўнг кўзларингни қаттиқроқ
юм.

◆
— Ұғлим, ҳар бир одам ўзи яшайдиган
хонадон агрофини сунуриб турганида ҳам
ҳаммаёқ топ-тоза бўларди.

◆
— Ұғлим, ўзингда мавжуа бўлмаган ин-
соний олижаноб фазилатларни ҳам фар-

занинг қалбига сингайролсанг оталик бурчингни бажарган ва сулоланг келажаги учун хизмат қилган бўласан.

— Ўғлим, бу фоний дунёда бахтни излаган бахтни, Ҳақни излаган Ҳақни топади. Қимки нимани сидқидидан истаса, албатта унга муяссар бўлади.

— Ўғлим, сўқиниш — фосиқликдир.

— Ўғлим, мунофиқ қим, деб мендан сўрадинг? Эшит: ёлгон гапирадиган, ваъда бериб, ваъдасида турмайдиغان ва омонатга хиёнат қиладиган мунофиқдир.

— Ўғлим, илмни эгалла. Илм олипда мулойим ва шижоатли бўл. Билим олаётган ва билим бераётган одамга хайрихоҳлик қил, уларни қўллаб-қувватла.

— Ўғлим, илмсиз илм ўргатувчи йўлдан аддашган йўловчига ўхшайди. У ту-

туриқсиз амаллари билан шогирдларини мақсад йўлидан оздиради, уларнинг борадиган манзил йўлини узоқлаштиради.

— Ўғлим, тилингни тий. Кучинг етмаса оғзингга талқон солиб юр. Тилни тийиш — кулфат ва бело-қазоларадан асрагувчи ягона воситадир.

— Ўғлим, сукут — сенга тафаккур қилиш учун бериладиган ягона имконият эканлигини унутма.

— Ўғлим, уйда, ота-онанг баррида бола бўлиб қолсанг-да, кўчада, одамлар орасида эркак бўл.

— Ўғлим, очикқўл, самимий ва саховатли бўл. Сени истаб хузурингга ташриф буюрадиган одам умидсиз қайтмасин.

— Ўғлим, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормаслик инсоннинг қусуригина эмас, унинг фожиаси ҳамдир.

◆
— Ўғлим, Халқ қонунидан қочиб қуту-
лиш мумкиндир, бироқ Ҳақ қонунидан
қочиб қутулиб бўлмайди.

◆
— Ўғлим, гуноҳ — пистирмада туриб эр-
тами-кечми нақа юрагингни аниқ мўл-
жалга оладиган моҳир овчига ўхшайди.
Унинг пайқонини фақат кечирим сўраб,
тавба-тазарру қилиш билангина қайта-
риш мумкин, холос.

◆
— Ўғлим, булуғлардек тўпланиб-тўп-
ланиб, сўнг ёмғир бўлиб томчилашга
урин.

◆
— Ўғлим, ўз касбига хиёнат қилган
устозингни устоз сифатида ҳеч қачон тан
олма!

◆
— Ўғлим, теварак-атрофингдаги айрим
кимсаларнинг сенга кесатиб, пичинг
қилиб, кинояли сўз айтишларини юра-
тинга яқин олма, уларни хуади ҳазилдек
қабул қилишга одатлан.

◆
— Ўғлим, одамийликнинг биринчи
шарти ймон, ймоннинг биринчи шарти
инсофдир. Бейймон ва инсофсиз одам-
лардан йроқ юр.

◆
— Ўғлим, ота-онада, оға-иниларим-
да, яқинларимда қарзим бор, улардан
бир умр қарздорман деган илинж билан
яшагин.

◆
— Ўғлим, ҳеч қачон одамларни қут-
тириб қўйишга одатланма.

◆
— Ўғлим, етишмовчилик ва муҳтожлик
инсонни тоблайди, уни изланишга, яра-
тувчиликка ундайди.

◆
— Ўғлим, сўзлашувда тафовут мавжуд.
Яхши сўз ҳам ёмоннинг оғзидан ёмон
эшитилади. Ёмон сўз бўлсаям яхшининг
оғзидан яхши эшитилади.

◆
— Ўғлим, вайсақи ўзини ҳамиша бар-
чадан ақлли ҳисоблайди.

◆
— Ўғлим, мунофиқ — иккиюзламачи.
Унинг мазҳаби, миллати ва Ватани бўл-
майди.

◆
— Ўғлим, нафс — доимий ҳаракатдаги
тубсиз ўпқон. Бир нафас бўлса — да хушёр-
ликни бўшаптирсанг, у сени домига тор-
тиб ютиб юборади.

◆
— Ўғлим, бу фоний дунёда амал курси-
си билан тобутнинг муқим соҳиби бўл-
майди.

◆
— Ўғлим, ҳамма нарсага ақл-фаросати
етадиган одам ҳамма нарсани кечиршига
ҳам қодир бўлмоғи лозим.

◆
— Ўғлим, қалби эзгулик ўти билан ёна-
диган одамлар мукофотсиз қолмайди.

◆
— Ўғлим, ҳавойи кенгликларни сира-
сира орзу қила кўрма.

◆
— Ўғлим, қарз олиб, уни вақтида узол-
масдан хонавайрон бўлма. Қарз қалбинг-
ни кемиради, қоматингни букади, хонадо-
нингни форат қилади, биринг икки бўл-
майди.

◆
— Ўғлим, юз марта юзгубан йиқиқсанг,
юз биринчи мартаба қадингни қайтадан
тиклашга ҳаракат қил.

◆
— Ўғлим, ҳалол меҳнатдан келган бой-
лик бахт келтиради, ҳаромдан келган
бойлик бахтсизлик келтиради.

◆
— Ўғлим, ўта илтифотли ва жанжалкаш
одамлардан узоқроқ юр. Гийбагчилар
даврасида ўтирма.

◆
— Ўғлим, дуч келган одаминга таш-
вишларинг ҳақида сўзлаб, дарду ҳасра-
тингни дастурхон қилма.

◆
— Ўғлим, энг гўзал туйғу — ишончдир.
Ишонч ҳамisha ҳамроҳинг бўлсин.

◆ — Ўғлим, дунёда бегоналар гамига шериқ бўлишдан-да мушкулроқ нарса мавжуа эмас.

◆ — Ўғлим, бахтсизликка дош беролмаган одам икки карра бахтсиздир.

◆ — Ўғлим, ҳар бир ишга аниқ мақсад ва қатъият билан ёндаш. Мақсадга эришиш йўлида барча имкониятларингни излаб топ.

◆ — Ўғлим, ўзгалар салом берганда ҳурмат билан алик ол. Саломга алик олмаслик — бировнинг омонатини қарзга олиб, уни қайтармаслик билан баробар эканини унутма.

◆ — Ўғлим, бирон-бир ишни бажаришга кўзинг етсагина кириш. Ўзингга ва ўз кучингга ишон.

◆ — Ўғлим, замон билан бақамти одим ташла. Ҳаётда бўлаётган ўзгариш ва муҳим воқеалардан хабардор бўл.

◆ — Ўғлим, қўлингдан келадиған ишни чўзма, бўладиған ишдан чўчиб уни орқага ташлашга одаatlanма.

◆ — Ўғлим, истеъдодингни рўёбга чиқаришга интиа. Унга фақат тинимсиз меҳнат орқалигина эришиш мумкинлигини унутма.

◆ — Ўғлим, ютуқ ва кутилмаган маълумбиятлардан эсанкираб қолма. Қалтис ва фавқулодаа вазиятларга тайёр бўл.

◆ — Ўғлим, ўзингдаги қусур ва камчиликлардан тушкунликка тушма. Билъакс, улардан ҳам ўз ўрнида унумли фойдаланишга ҳаракат қил.

◆ — Ўғлим, ўзингни ҳамиша назорат қилишга одаatlan. Ақл-фаросат билан иш юрит.

◆ — Ўғлим, ўзингга юклатилған масъулиятни бўлашгирма. Жавобгарликни ҳа-

миша хис эт. Сени бошқалар бошқариш-
ларига, кўлингдан етаклаб юришларига
асло йўл қўйма.

— Ғалим, келажакка теран ақл, комил
ишонч билан назар сол, ҳаётдан завқ олиб
яшашни ўрган.

— Ғалим, билмаган, кўрмаган, аниқ
ўқиб-эшитмаган нарсанг ҳақида бош-
қалар билан баҳслашма.

— Ғалим, эшитган хабаринг ростлигини
аниқламагунингча сукут сақла.

— Ғалим, тилингни, кўзингни ва қуло-
вингни ҳаром-ҳариш ишлардан ихота қил.

— Ғалим, йўл қўйган хатоларинг, би-
либ-билмай қилган гуноҳларинг учун ис-
тиффор айт.

— Ғалим, кўпол бўлма. Кўпол бўлиб,
бир умр наҳоматда қолма.

— Ғалим, нафсингни жиловла. Наф-
сингга эрк бериб, умринг пушаймонликда
ўтмасин.

— Ғалим, ҳасада, кибр, риё, дунёга ҳирс
қўйиш сингари инсонни ҳалоқатга бош-
ловчи сифатлардан йироқ бўл.

— Ғалим, ҳийла, макр — ожизлар иши.
Мара, назаркарда инсонларни ҳийла,
макр йўли билан ҳеч қачон енгиб бўл-
майди.

— Ғалим, адолатсиз одам адолатли
одамнинг ҳеч қачон қарига етмайди.

— Ғалим, эътиқодингда содиқ, иймо-
нингда собит, бошингга мусибат тушганда
сабрли бўлишни унутма.

— Ғалим, жасоратни — саркашлиқдан,
ҳақиқатпарварликни ҳақимчиликдан аж-
рата бил!

◆
— Үғлим, инсоннинг ўзига ўзи ишон-
маслиги — фожиадир.

◆
— Үғлим, шубҳа, гумон — сотқиндир.

◆
— Үғлим, эркак қиз фарзанда кўрма-
гунча «ота» деган улуф мақомга эга бў-
лолмайди.

◆
— Үғлим, бахтни ҳис этиш учун бахт-
сизлик нима эканлигини ҳам билиш за-
рур. Чунки, бахтсизлик ҳам бахт син-
гари инсон ҳаётининг ажралмас қис-
мидир.

◆
— Үғлим, инсонда кўрқув деган ҳис
борлигидан бир умр миннатдорман. Усиз
ҳаётда ҳеч нарсага эришолмасдим.

◆
— Үғлим, танқид зарби қаттиқ теккани
билан жароҳати тезда билади.

◆
— Үғлим, адашган бўлсанг, ўзингни
қўлга ол, ҳаётда йўлингни топ. Қара, ҳат-
токи сув ҳам ўзини поклаб, машаққатлар
эвазига бўлса-да йўлини топишга қодир.

◆
— Үғлим, инсоннинг ўзида бирор со-
ҳага тугма истеъдод ва интилиш бўлмаса,
шунчаки ҳаваснинг ўзи билан кўп нарсага
эришаман дейиш, бориб турган хомхаёл-
лиқдир.

◆
— Үғлим, тама ва таънадан йироқ
юришнинг ўзи бахтдир.

◆
— Үғлим, мучасида табиий нуқсони
мавжуд одамдан яхшилик чиқмайди.

◆
— Үғлим, хиёнатга эртами-кечми, ал-
батта жазо муқаррар.

◆
— Үғлим, ҳаётда учрайдиган тўсиқлар
иродали инсонни курашга чорлайди.

◆
— Ўғлим, гурур — инсонни хотиржамликка ундавчи хавфли унсурдир.

◆
— Ўғлим, турмушдаги икир-чикир ва лаш-лушлар ҳар қандай улкан туйғуларни саробга айлантиради.

◆
— Ўғлим, бир ҳақиқатни англаб етдим: инсонни камтарлиги ва билими безайди.

◆
— Ўғлим, аёлнинг макрини гарданига олган қирқ туянинг ҳар бири қирқ филнинг қудратига эга бўлмоғи лозим.

◆
— Ўғлим, кўркувнинг кўзи катта бўлади.

◆
— Ўғлим, ўзгани топтаб, турғиб, ҳақоратлаб ўзингни севишинг мумкин эмас.

◆
— Ўғлим, хайрли ва улкан ишлар ҳамиша майда-чуйда кўрбонлар эвазига амалга оширилади.

◆
— Ўғлим, кўз — нигоҳга, очкўз — молу дунёга, денгиз — сувга, ер — ёмғирга, ўт — ўтинга тўймагани сингари сен ҳам билимга ташна бўл.

◆
— Ўғлим, зинҳор-базинҳор қасам ичма. Қасам ичган одамдан файз-барака қочади ва қасам охир-оқибат уни ичган одамни қасамхўрга айлантириб адоий тамом қилади.

◆
— Ўғлим, майли, яхши одамми, ёмон одамми, кўнглига қараб муомала қил. Уларнинг дилларини ранжитиб қўйма.

◆
— Ўғлим, дунёга келдим, ҳаётда яшяпман, дунёга келмаслигим ва ҳаётда яшамаслигим ҳам мумкин эди-ку дея, мушкул дамларда ўзингга аалда бер. Кўнгилини кенг қил!

◆
— Ўғлим, ўзинг севган ишни қил, ўзингга ёққан касбни танла. Қувонч бақишламайдиган машғулот, юмуш ва касбдан воз кеч!

◆
— Ҳалим, фикр — қуаратли куч. Тўғри фикрлаб мукамалликка эришиш сари интилиш баробарида инсоннинг ўзи ҳам фозиллашиб бораверади.

◆
— Ҳалим, тилак ижобат бўлсин десанг, уни чин дилдан самимий тилашга одатлан.

◆
— Ҳалим, олимликка — билимга интилиш, донишмандликка — ҳаётий тажрибага таяниш орқали эришилади.

◆
— Ҳалим, бирон бир нарса бир, беш ва ҳаттоки ўн йилдан сўнг ҳам ҳеч бир аҳамият касб этмаса, демак, у ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

◆
— Ҳалим, исмини «улуғ» деб қўйган кишининг фарзанди улуғ бўлиб ёки исмини «бой» деб қўйган кишининг фарзанди бойи бўлмайди.

◆
— Ҳалим, қозиланган оғани қариндош бўлмас.

◆
— Ҳалим, ўрмонда кучлилар яшайди, деган нақл бор. Бу бешафқат қочун табиатағина эмас, жамиятда ҳам амал қилади.

◆
— Ҳалим, икки киши жанжаллашаётган бўлса, билки, айб ақлисиди.

◆
— Ҳалим, инсон ўз айбини кўра олмаслиги сингари ўз ожизлигини ҳам енга олмайди.

◆
— Ҳалим, олим Ҳалим тўшагида ётиб ҳам ўқийди, ўрганади, ёзади.

◆
— Ҳалим, кўр бўлсанг бўлгин-у, кўрнамак бўлма.

◆
— Ҳалим, қўлнинг кафтидек аён нарсага шاپалоқдек баён шартмикан?!

◆ — Ўғлим, ўзгалар устидан ҳукм чиқариш учун инсон, аввало, ўз эътиқодига содиқ бўлиши зарур.

◆ — Ўғлим, ҳаёт қанчалар гўзал ва ширин бўлмасин, инсон эътиқодини қарши-сида унинг баҳоси арзигулик даражада эмас.

◆ — Ўғлим, бирон-бир юмушни қилмоқчи бўлсанг, аввал ғазабингдан туш, сўнгра бошла...

◆ — Ўғлим, вақт — қилич. Ҳар куни тангини тигмайверади-тиглайверади, охири тилка-пора қилади.

◆ — Ўғлим, эркин фикрлай олмайдиган одам ҳалол бўлолмайди.

◆ — Ўғлим, қурол кўтарган одамлардан эмас, балки тафаккур қилмайдиган ман-қуртлардан кўрқ.

◆ — Ўғлим, барча иллатлар тўқлиқдан пайдо бўлади. Инчунин, очларнинг очлигига эмас, тўқларнинг тўқлигига уруш эълон қил.

◆ — Ўғлим, саломатлик, хотиржамлик ва бойликка бир пайтнинг ўзида тугал эришган инсон энг бахтли ҳисобланади.

◆ — Ўғлим, гурурманма. Гурурланиш кўзларни кўр қилади.

◆ — Ўғлим, дўстингни ножоиз ишлардан қайтар, ҳеч бўлмаса унга шерик бўлиб қолишдан сақлан.

◆ — Ўғлим, мол-дунёни ҳаром-ҳариш йўллар билан топиш ва ҳаром-ҳариш ишларга сарф қилишдан ўзингни тий.

◆ — Ўғлим, одамнинг қандайлигини ташқи қиёфасидан билиш мушқу, чунки «юз кўр, ҳол сўр» иборасини барчага бирдек ҳамма вақт ҳам қўлаб бўлмайди.

◆
— Ўғлим, савол бердинг: ким ёмон?
Жавоб олмоқчи бўлсанг эшит: дунёда
ёмон одам йўқ. Агар мавжуа бўлса, ўша
ёмон — мен.

◆
— Ўғлим, дунё ишларида ҳалим ва юм-
шоқ бўл. Жаҳл отига миниб олиб қаза-
бингни кўзгатма.

◆
— Ўғлим, сенга қанча одам ҳавас билан
боқса, шундан кам бўлмаган инсонлар
ҳасад билан қарайди.

◆
— Ўғлим; ақл — сарфлаганинг сайин кў-
паядиган, ўзгалар ўғирлаб кетмайдиган
хазина.

◆
— Ўғлим, қалби эгри одамнинг ўзи ҳам
эгри.

◆
— Ўғлим, шогирасиз олим — балиқсиз
ҳовузга ўхшайди.

◆
— Ўғлим, вафо қилмайдиган мол-дунё-
дан воз кеч.

◆
— Ўғлим, ёшлиқдан саломатлик ва бўш
вақтнинг қадрига ет.

◆
— Ўғлим, рам-ташвиш ёпишса истиф-
форни кўпайтир.

◆
— Ўғлим, яхшилигингни яширадиган
ёмон сифатларингни барчага ошкор эта-
диган аўстан йироқ юр.

◆
— Ўғлим, ортиқча исрофгарчилик,
қарзга ботиб бўлса — да кўпчиликнинг кўзи
оламида керилиш, маъракабозлик — хона-
донингни хонавайрон қилади.

◆
— Ўғлим, мақсадларингнинг амалга ош-
масдан қолишига ўзинг сабабчисан. Шу-
нинг учун бирор ишни қилишдан аввал
хаёт синовларида тобланган, тажрибали
одамлардан маслаҳат сўрашга ўзингда куч
топ.

◆ — Ўғлим, Оллоҳ менга ва онамга сабр,
сенга ақл берсин.

◆ — Ўғлим, биринчи бўлиш, дастлабки
қадамни қўйиш ҳеч қачон енгил кеч-
маган.

◆ — Ўғлим, чигал, жанжалли муаммо-
ларни ҳам муросаи мадора билан тинч ҳал
этишга ҳаракат қил.

◆ — Ўғлим, тирик экансан, ўз юкингни
ўзинг кўтар. Бошқаларнинг кўмагига
умид қилма.

◆ — Ўғлим, «Ла илаҳа иллоҳ» кали-
маси тилингдан тушмасин. У жаннат
эшиklarини очувчи очқич.

◆ — Ўғлим, уйинг остонасидан ҳамisha
салом бериб, бисмиллоҳни айтиб, Омоҳни
зикр қилиб қадам қўйишга одатлан.

◆ — Ўғлим, кайфиятингни туширма.
Тутқун кайфият — заҳарли илонга ўх-
шайди. Тирмашиб бутун тананга ўра-
лайди, имкониятгни бой берсанг, заҳрини
сочади.

◆ — Ўғлим, қалтис ва ноқулай вазиятда
ҳам ҳиссиётларга эрк берма.

◆ — Ўғлим, йигит кишининг иккита
душмани бор: бири — тили, иккинчиси —
дили.

◆ — Ўғлим, чала бажарган ишларинг
вақти келиб ўзини намоён қилади. Шу
боис, ҳар бир юмушни пухта ўйлаб, уни
охирига етказишга ҳаракат қил.

◆ — Ўғлим, зиммангда бировларнинг
қарзи бўлса, сўраб келмасидан аввал
қайтар, бошқа бировларнинг сендан
қарзи бўлса, уни юмшоқлик билан сўра.

◆
— Үғлим шайтон — үзининг номи билан шайтон. Душман икки мартаба шайтон, ундан рафлагда қолма.

◆
— Үғлим, тилинги нохоиз сўзлардан тий.

◆
— Үғлим, одамларга ҳасада қилма. Ҳасада — одамлар орасига нифоқ солувчи иблисдир.

◆
— Үғлим, гўзал хулқ — салобатдан нишон. Одамлар билан мулоқотда хулқингни гўзал қил.

◆
— Үғлим, бировга хусумат қилма. Хусуматчи мавжудлигини сезсанг, ундан кетирим сўраб уялтир.

◆
— Үғлим, қалбингдаги қўрқинч, икки кўзингдаги ҳаё — сенга ёпишган бахтнинг аломати.

◆
— Үғлим, банданинг қўли калта, бандаси ҳеч кимга ҳеч нарса беролмайди.

◆
— Үғлим, одамнинг суюқлиси — Олоҳга муҳтож бўлгани, Олоҳдан кўрқгани, Олоҳдан сўраганидир.

◆
— Үғлим, тананг бузилса, жасадингини ярми бузилади, қалбинг бузилса, жасадингини ҳаммаси бузилади.

◆
— Үғлим, ёмонлик кўчасига кирган одамнинг ҳаловати йўқолади, боши гавғодан чиқмайди.

◆
— Үғлим, уялмасанг, хоҳлаган ишингни қилавер.

◆
— Үғлим, кибр қилма. Одамларга кибр қилган кимса хор бўлади.

◆
— Үғлим, етказганига шукрона қил. Бorigа шукр қилмаган одам кўпига ҳам шукр қилмайди.

◆
— Үғлим, мағрурлашма. Мағрурлашиш — ҳалокатга элтувчи йўлдир.

◆ — Үғлим, бир яхшининг бир ёмони бор. Яхшилар мавжудлиги бойс, ёмонлар ҳам яхшилар сафидадир.

◆ — Үғлим, меҳрнинг бозори бўлмайди. Уни кўзинг қорачигидек асраб-авайла.

◆ — Үғлим, яхшилик ва ёмонлик эшикларини инсон ўз ихтиёри билан очади.

◆ — Үғлим, синашга бўлмаган одамга кафил бўлсанг, кафансиз кўмиласан.

◆ — Үғлим, инсон шахсияти — муқаддас ва дахлсиздир. У билан муомалада эҳтиёт бўл.

◆ — Үғлим, сени ўзингдан кўра кўпроқ билладиган одамнинг ўзи йўқ, сен эса ўзинг ҳақингда ҳеч нарса билмайсан.

◆ — Үғлим, оқдйлик обрўйингни опширади.

◆ — Үғлим, ёмон фикрлардан йироқ бўл. Ёмон фикрларнинг ҳам ҳақиқатга айланганига кўп гувоҳ бўлганман.

◆ — Үғлим, қалбингда ҳамиша умид куртаклари гуллаб, гуркираб ўсиб, яшнаб турсин.

◆ — Үғлим, одамлар сен ҳақингда яхши ёки ёмон гапларни гапиряптими, демак, ҳаётда мавжудсан, одамлар муносабат билдирадиган даражада эътиборга лойиқсан.

◆ — Үғлим, фикрингда собит бўл, унга асло хиёнат қилма.

◆ — Үғлим, инсоннинг умрини оқар дарёга менгзашади. Юрган йўлларида ўзанлар, ариқлар очиб, боғ яратиб, қақраб ётган ерларга ҳаёт бахш этади.

◆ — Үғлим, одамларга иккинчи ном — лақаб қўйма ёки уларни кимдир атай-диган лақаб билан чақирма.

◆
— Ўғлим, баъзида омадсизлик ҳам омад келтиради.

◆
— Ўғлим, ҳаётда ўрним бўлсин, солиҳ инсон бўлай десанг донишманда устозларга шогира туш.

◆
— Ўғлим, ортиқча зиёдалик ҳам зиён келтиради.

◆
— Ўғлим, торнинг баланд чўққисига чиқишни уадалаган одам, ундан тупиш йўллари ҳам билмоғи керак.

◆
— Ўғлим, ҳаётда хотиржамлик ва тинчлик истасанг — ҳалол бўл.

◆
— Ўғлим, таъзияли жойдан асло қолма, меҳмондорчиликка ўзинг биласан.

◆
— Ўғлим, дўстсиз одам дўстнинг қадрини билмайди.

◆
— Ўғлим, айбсиз дўст ахтарсанг дўстсиз қоласан.

◆
— Ўғлим, ўзинг буқри бўлсанг бўлгин-у, дилинг буқри бўлмасин.

◆
— Ўғлим, инсоннинг ўжарлиги шунчаликки, ҳатто мумкин бўлмаган нарсага ҳам қўл уради.

◆
— Ўғлим, одам мансаб поғоналаридан қуйи тушган сайн майдалашиб бораверади.

◆
— Ўғлим, яхшиликнинг чеки-чегараси бўлмайди. Уни биров қўли билан, биров тили билан, биров дили билан, биров пули билан амалга оширади.

◆
— Ўғлим, бошқалардан тўғрилиқни талаб қилишнинг учун, аввало ўзинг тўғри бўлишиг керак.

◆
— Ҳалим, вужудингда тўртта унсур:
тупроқ, сув, ҳаво ва олов мавжуд. Шу
бойс, тупроқдек хокисор, сувдай тош-
қин, ҳаводек мусаффо, оловдек шиддат-
ли бўл.

◆
— Ҳалим, қатъиятсиз одамдан ҳеч қа-
чон хайрли ва улкан ишлар кутма.

— Ҳалим, бани одам гоҳи-гоҳида ши-
рин ёлгонга ҳам эҳтиёж сезади.

◆
— Ҳалим, ахлоқсиз одам пойдеворсиз
тикланган бинога ўхшайди.

◆
— Ҳалим, ниятни холис қил. Чунки,
ниятинг холис бўлиб, мўлжаллаб қўйган
режаларингни амалга оширишга қуара-
тинг етмай қолган тақдирда ҳам Оллоҳ
сенга уни бажарилган даражада савоб
ажрини беради.

◆
— Ҳалим, ёмон хулқли олим бўлгандан
кўра, яхши хулқли авом бўл.

◆
— Ҳалим, ўзинга раво кўрган нарса-
ларни бошқаларга ҳам раво кўр ва ак-
синча, ўзинга раво кўрмаган нарсаларни
бошқаларга ҳам раво кўрма.

◆
— Ҳалим, вақт — олий ҳакам. Вақт ўти-
ши билан хотиралар хиралашади.

◆
— Ҳалим, ота-онангнинг сендан кўн-
гиллари ранжишига йўл қўйма.

◆
— Ҳалим, марҳаматда қуёшдек нур та-
ратувчи, айбни бекитишда қоронғу тундек
кўринмас, ҳаёт бахшида этишда денгиздек
саховатли, камтарликда тупроқдек хоки-
сор бўл.

◆
— Ҳалим, ғазабни сукут сақлаш билан
бартараф қил.

◆
— Ҳалим, илмга асосланмаган ҳавойи
ақл инсонни фалокат сари етаклайди.

◆ — Үғлим, вақтдан ютган кундан ютади, кундан ютган умрадан ютади.

◆ — Үғлим, сорлом бўлай десанг, дунё вамидан йироқ бўл, уни юрагингга яқин олма.

◆ — Үғлим, соғлик ва хотиржамликнинг қадрига ёшлиқдан ет.

◆ — Үғлим, кечиккан адолатни адолат атаб бўлмайди.

◆ — Үғлим, турли хил қўйди-чиқдиларга ва майда-чуйда хою хавасларга аҳамият берма. Ягона Оллоҳга ишон ва унга таваккал қил.

◆ — Үғлим, ўтти ким ушласа, ўша куяди. Бу оддий ҳақиқатга ҳамisha амал қилиб яша.

◆ — Үғлим, қонунни эслагувчи қанчадан-қанча одамлар мавжуд, лекин ўзлари қонунни унуттишган; қонун билан қўрқитувчи қанчадан-қанча одамлар бор, лекин ўзлари қонундан қўрқипмайди; қонунга риоя қилишга чақирувчи қанчадан-қанча одамлар мавжуд, лекин ўзлари қонунга амал қилишмайди.

◆ — Үғлим, ташқарида шамола туриб, чанг-тўзон кўкка кўтарилган пайтда уйда ўтирган маъқул.

◆ — Үғлим, мақсадсиз маълум фурсат яшаш мумкиндир, лекин бир умр мақсадсиз яшаб бўлмайди.

◆ — Үғлим, янгиллик, янгиллик дейсан. Янгиллигинг асли отамнинг чориги сингари унутилаёзган эскиликнинг ўзгинаси.

◆ — Үғлим, ўзини англаб етмаган одам аслида ўзалигини намоён қилишга ҳам қодир эмас.

◆
— Ҳалим қуш қанотга, инсон эса қанотга ҳамиша эҳтиёж сезади. Зеро, қанот — инсон қанотиқдир.

◆
— Ҳалим, мен яшамапман. Бефойда, бенаф ва ҳеч бир кимсага кераксиз ўтаётган кунларимни ҳисобини олиб турибман, холос. Бир, икки, уч...

◆
— Ҳалим, бу ёлғончи дунё инсон учун имтиҳон. Ундан яхши ўтишинг ягона йўли — ҳалоллиқдир.

◆
— Ҳалим, уруш Одам Ато ва Момо Ҳаво фарзандлари Ҳобил билан Қобилнинг овунчоғи сифатида пайдо бўлиб, эндиликда ундан халос бўлиш одамзоа учун тушга айланиб қолаётган даҳшатли ўйиндир.

◆
— Ҳалим, поклик — саодат манзили томон етакловчи маёқдир.

◆
— Ҳалим, виждон азоби аталмиш туйғу одам вужудини каламушдай кемириб, уни ҳалок қилмагунча тинчимайди.

◆
— Ҳалим, камтаринлик барчага бирдек ёқади, бироқ камтар одамни учратиш амримаҳол.

◆
— Ҳалим, бу фоний дунёда кимдандир бир оғиз кечирим сўраш ҳам омонат эканлигини унутма.

◆
— Ҳалим, фойда билан зарар ўргасидаги ўта нозик чегарани ҳамиша сезгирлик билан илғаб яшайдиган одам ҳаётда қоқилмайди.

◆
— Ҳалим, суҳбатдошингни «қопиб» эмас, қалбига йўл тошиб гапиришга одатлан.

◆
— Ўғлим, омадсизлик — оёрингни туфли қисганчалик ҳам эмаслигига ишониб яшашни ўрган.

◆
— Ўғлим, хунарсиз одам — пуч ёнроққа ўхшайди.

◆
— Ўғлим, хаётимнинг шундай дамлари бўладики, мен одамларга интиладим, улар мендан қочишди. Эндликда эса одамлар менга интилмоқда, мен бўлсам улардан қочипман...

◆
— Ўғлим, инсоннинг кўнглини оғритма. Кўнглини оғритиш Каъбани топташ билан баробардир.

◆
— Ўғлим, катта одамнинг кўланкаси ҳам катта бўлади.

◆
— Ўғлим, бойлик, мол-дунё инсон қис-матидagi энг хатарли нуқтадир.

◆
— Ўғлим, тўғри йўл — машаққатли. Шундай бўлса-да ҳаётда ҳаминша тўғри йўлни ихтиёр эт.

◆
— Ўғлим, ўзагингни бегона эмас, ўзинг-ники узади.

◆
— Ўғлим, етти пуштингни мукаммал билишга инти. Шажарангни шаклан-тир ва уни фарзандларингга мерос қолдир.

◆
— Ўғлим, қанча умр кўришинг Оллоҳга, хаётингни мазмуни эса ўзингга борлиқ.

◆
— Ўғлим, эгилсанг ҳам йиқилганини суяб турғизиб қўйиш учунгина эгил.

◆
— Ўғлим, инсонга тир теккисанг тек-кизгин-у, пасло тира теккнама.

◆
— Ўғлим, сокин оқадиган сув дастлаб дарёга, кейин денгизга кўшилади. Тез, шошқалоқ оқар сув эса гирдобга йўлиқади.

◆
— Ўғлим, дарё сувининг ўзани тошмасидан бурун чорасини кўр, тошганидан сўнг фойдасиз.

◆
— Ўғлим, ҳамсоянг ўғри бўлса, ўзингта пухта бўл ва уни уйингда кут.

◆
— Ўғлим, Оллоҳ инсонни яраттач, барча малоикаларни чақириб, инсонга таъзим этишларини буюрди. Шунда иблис, менинча яралганман, лойдан яралган бандасига таъзим қилмайман, деди. Шу биргина ортиқча кибр ва қайсарлик сабаб, иблис жаннатдан ҳайдалди. Иблиснинг қисмати аён, бироқ ҳаётдаги иблиснинг инсонларнинг кечмиши сенга ибрат бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи Силлашувчилик қўшма
Матбуат маркази

Ушбу кўрсаткичнинг асли

Ўзбекистон

Исмагулма МАМАНОВ

ОТАМДАН ҚОЛГАН ҲИТЛАР

Мухаррир А. Икимова
Техник муҳаррир Т. Харитмонова
Бадий муҳаррир Р. Зуфаров
Компьютерда тайёрловчи Г. Қўлназарова

Босишга рухсат этилди 20.10.08.
Бичими 70×90 1/2. Таймс гарнитурада офсет
усулда босилди. Шартли босма табоғи 3,19.
Нашр табоғи 1,70. Нусхаси 2000.
Буюртма № 08-222.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа
ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

1090 а

М 23 **Маманов Исмагулла.**
Отамдан қолган ўғитлар/ И. Ма-
манов; Масъул муҳаррир Т. Ҳайит.
—Т.: «O'zbekiston», 2009. —88 б.

ISBN 978-9943-01-337-7

ВВК 84(5)16